



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 28 декабр, шанба № 207-208 (1425)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАЖМУИ


Бухоро тиббиёт коллежи Янги йил арафасида замонавий ўқув биносига эга бўлди. 900 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли, замонавий ўқув мажмуини «Бухороқурилиш» хиссадорлик жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда фойдаланишга топширди. Иншоотда 1,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 300 ўринли ошхона, муҳташам спорт зали, кутубхона, компьютерлар ва бошқа ўқув кўргазмалари, мебеллар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ аудиторияларда замонавий билим олиш учун барча шароит мавжуд.

Яқунлаётган йилда Бухоро вилоятида коллежлар қурилишига алоҳида эътибор берилди. Бу йил вилоят шаҳар ва туманларида 7 та янги коллеж иш бошлади.

Тиббиёт коллежи янги биносининг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

(ЎзА).

МОҲ: КЕЛИШУВЛАР ҲАЁТДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 27 декабр кuni Козогистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтган саммитида иштирок этди.

Ислам Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида тузилган ушбу ташкилотнинг расмий таъсис ҳужжати шу йил 28 феврал кuni имзоланган эди. Кейин президентлар 6-7 июл кунлари Октов (Козогистон), 5-6 октябр кунлари эса Тожикистон пойтахтида учрашди. Остона саммити тўртинчи олий даражадаги учрашув бўлди.

Ўтган давр янги ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадлар сари жадал одимлаётганини кўрсатмоқда. Аъзо мамлакатлар минтақадаги умумий ечим топилиши керак бўлган масалаларни баҳамжият муҳокама қилиб келяпти, халқаро муаммоларга ёндашувлар ҳам бир-бирига мос.

Ташкилотга раислик қилаётган мамлакат - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Душанбе саммитидан кейин ўтган даврда бажарилган ишларни сарҳисоб қилар экан, Тошкентда МОҲга аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари раҳбарлари раҳбарларининг форумлари ташкил этилгани кўп жиҳатдан фойдали бўлганини таъкидлади. Дарҳақиқат, дипломатлар, ҳукумат делегацияларининг ўзаро борди-келдилари қаторида, илм-фан, маданият каби ижтимоий соҳалар намояндalarининг ҳамкорлиги яхши ривож топган пайтда, қонун чиқариш ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти шу вақтгача йўлга қўйилмаган эди.

Президентларнинг сам-

мит яқунлари бўйича қабул қилган қўшма коммюнике-сида ҳам ишбилармонларнинг алоқалари ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос бўлиб хизмат қилиши, парламентлар вакиллари мулоқоти эса, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва шу орқали муносабатларни янги мазмун билан бойитиши таъкидланади.

Мамлакатимиз раҳбари бундай учрашувларга мунтазамлик тусини бериш таклифини илгари сурди.

Саммитда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид масалалар ҳам муҳокама этилди. Президент Ислам Каримов мазкур мамлакатдаги вазият хали хондорликка берилганидан қўрқиниб турганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқаро коалициянинг асосий ҳарбий операциялари нихоясига етганига қарамай, Афғонистонда ҳали қуролли тўқнашувлар содир бўлиб турибди. Токио

конференциясида ваъда қилинган ёрдам тўла олинмаётгани ва бошқа сабаблар бу мамлакатда ижтимоий барқарорликни ва марказий ҳукуматга ишончни мустаҳкамлашга тўқинлик қилиши табиий.

МОҲнинг Душанбе саммитида Афғонистондаги тикланиш ишларида ба-маслаҳат биргаликда иштирок этиш масаласи кўтарилган эди. Бу сафар ҳам Президент Ислам Каримов анжуман иштирокчилари эътиборини шу мавзуга қаратди. Айна пайтда мамлакатимиз раҳбари Афғонистон вакиллари МОҲ анжуманларида қатнашишга таклиф этиш мақсада мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Афғонистон вакиллари-нинг бевосита иштироки-да тикланиш масалалари муҳокама қилинса, нафақат бу давлатнинг салоҳият ва имконияти тўла-рақ ишга солинар, балки мазкур жараёнга четдан қўшилаётган ҳиссанинг самараси ҳам ортар эди.

Ислам Каримов илгари сурган яна бир масала давлат чегараларини аниқ белгилаб олиш ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзаро расмийлаштириш билан боғлиқ бўлди.

Аҳамияти бекиёс бўлган бу ишни аввало замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Иккинчидан, минтақа мамлакатларига ҳолис назар билан қарамайдиган айрим доиралар қўшни ўлкалар орасига нифоқ солишга уринади. Бу борада этник омиллар, сув захираларининг тақсими, коммуникация тармоқлари оид масалалардан «айб-нуқсон» кидириш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари чегарани белгилаш баробарида, унга бевосита ё билвосита алоқадор бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш мумкинлигини таъкидлади. Жумладан, божхона, солиқ, чегара зонасидаги савдо-сотик муаммоларини ечиш, хорихдан келаятган сифатсиз моллар оқимини тўхатишда ҳамжиҳатлик билан юрилтиган ишнинг самараси катта бўлиши аниқ.

Анжуман қатнашчилари Орол инқирози, ноқонуний миграция, уюшган жиноятчилик, наркотиклар контрабандаси каби муаммолар, минтақамизни ядро қуролидан холи зонага айланттириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Шундай қилиб, тузилганга ҳали бир йил тўлмаган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўзининг тўртинчи саммитини ўтказди. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга иштиёқи ва интилиши кучли эканлигини яна бир бор намоиш этган саммит тарихи янги ютуқлар билан бойийётган ушбу ташкилот доирасида эришилган келишувлар ҳаётда ўз аксини топаётганидан далолат беради.

АНВАР БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент-Остона-Тошкент

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

2002 йил 27 декабрда Остона шаҳрида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Козогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари МОҲ олдида турган вазифалар, биринчи навбатда, 2002 йил 5 октябрда Душанбе саммитида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши, жумладан минтақада хавфсизлик, Марказий Осиёда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш каби гоят муҳим минтақавий муаммоларни ҳал этиш ҳамда МОҲ мамлакатларининг халқаро сибатнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташкилотларда ўзаро ҳамкорлиги масалаларини батафсил муҳокама қилди.

МОҲни мустаҳкамлаш ташкилотга аъзо давлатларнинг стратегик манфаатларига мувофиқ эканлиги яна бир бор қайд этилди.

Давлатлар раҳбарлари минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий интеграциянинг барқарор тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликни давом эттириш минтақада барқарорликни таъминлаш ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашнинг энг муҳим йўналиши сифатида ташкилотдаги асосий устуворликлардан бири эканлигини таъкидлади.

Томонлар минтақада ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги, замонавий талабларга жавоб берадиган шакллار, услублар ва ёндашувларни топиш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishi-га қарши кураш соҳасида биргаликда чора-тадбирлар қўриш муҳимлиги ҳамда бу муаммони ҳал этиш бўйича, биринчи навбатда, даромадлари халқаро террорчиликни қўллаб-қувватлашга сарф этилаётган наркотик йўллари аниқлаш ва бартароф этиш соҳасида яқин ҳамкорлик механизминини ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари чегараларо жиноятчилик ва ноқонуний миграцияга қарши кураш муаммоларининг долзарблигини, шу муносабат билан МОҲ мамлакатлари чегара, божхона ва солиқ хизматлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда бу масалалар юзасидан кўп томонлама битим ишлаб чиқиш бўйича тегишли чораларни кўриш зарурлигини эътироф этди.

Давлатлар раҳбарлари МОҲнинг Душанбе мажлисида эришилган келишувлар ижросининг боришини ижобий баҳолайди.

2002 йил 18 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган МОҲ давлатлари парламентлари вакилларининг биринчи уч-

рашуви Марказий Осиёда катта сиёсий воқеа бўлди. У парламентларо ҳамкорликни кенг ривожлантириш ва минтақа давлатлари қонунчилигини яқинлаштиришга янги туртки берди.

2002 йил 27-28 ноябрда Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё ҳамкорлиги - иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш» мавзудаги Бизнес-форум натижалари ижобий баҳоланди. Шу муносабат билан таъкидландики, иқтисодиётларнинг реал тармоқларини МОҲ интеграция жараёнларига жалб этиш ўзаро манfaatли ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустақам асос вазифасини ўтайди.

Давлатлар раҳбарлари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида фаол ҳамкорликни давом эттириш ва унинг ишини фойлаштиришга қаратилган қўшимча чоралар қабул қилиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Шу муносабат билан БМТ институтлари ва донор мамлакатларнинг Орол инқирози ва минтақадаги сув муаммоси ҳал этилишидан манfaatдорлиги таъкидлаб ўтилди.

Давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик Афғонистондаги вазият билан узвий боғлиқ эканини яна бир бор қайд этди.

Давлатлар раҳбарлари Ҳ.Карзай бошчилигидаги марказий ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонни тиклаш учун молиявий ёрдам ажратиш бўйича Токио конференцияси қарорларини имкон қадар тезроқ бажариш зарурлигига эътибор қаратишга чақиради.

Давлатлар раҳбарлари халқаро ташкилотлар доирасида халқаро сибатнинг долзарб масалалари, шу жумладан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш жараён-ини янада тезлатиш борасида МОҲ мамлакатларининг ҳамкорлиги муҳимлигини таъкидлади. Ташкилот вакиллари ядро қуролига эга давлатларнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси бўйича билдирган таклиф ва мулоҳазалари юзасидан Марказий Осиё давлатларининг ўзаро мувофиқ нўта назарини ишлаб чиқиш борасида ишларни фойлаштириш топширилди.

Учрашувда Россия Федерацияси, Туркия Республикаси ва Украина вакиллари кутувтуви сифатида қатнашди.

Томонлар меҳмондўст қозоқ зами-нида самимий ва дўстона қабул учун Козогистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоевга миннатдорлик билдирди.

Остона, 2002 йил 27 декабр

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Хоразм вилоятидаги «Янгибозор машина-трактор парк» акционерлик жамиятида янги йил арафасида қўшимча иш ўринлари яратилди. Бунга акционерлик жамиятида янги ишлаб чиқариш линияси ташкил этилгани боис эришилди. Ҳозирча бундай ишлаб чиқариш воҳадаги бошқа турдош корхоналарда йўқ.

Бу ердаги металл қуйиш цехида шудгорлаш тракторлари учун нафақат қатор металл бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, балки кўп қатламли трубкалар ҳам тайёрланмоқда. Ушбу трубкалар орқали сеялкалари ва кутиваторларда ерга чигит қадалиб, минерал ўғитлар берилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, қишлоқ хўжалик агрегатлари учун бундай тақчил эҳтиёт қисмларнинг ишлаб чиқариш хомашёси чигит экилганидан сўнг далааларда қоладиган полиэтилен плёнкаси чиқиндиларидан тайёрланади.

Янгибозорликлар илгари ҳам доим ўзларининг ихтиролари билан ажралиб турган. Масалан, улар бир неча йилдан буён вилоятда трактор двигателларини қайта тиклаш учун зарур бўлган поршен ва бошқа қатор эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжни қондириб келмоқда.

(ЎзА).

Республикада биринчи бўлиб вилоят прокуратураси томонидан тайёрланган жамоатчилик, нодавлат бирлашмалари ҳамда ўзини-ўзи бошқарув идораларининг жамоатчилик назоратини ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан дaввогарлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган дастурга кўра назорат ишларини олиб бормоқдамиз. Шу муносабат билан касоба уюшма ташкилотларига ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланишлари тавсия этилди, зарур йўл-йўриқлар берилди, семинарлар ўтказилди, услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тизимдаги барча касоба уюшма ташкилотларида жамоатчилик назорати комиссиялари тузилиб, вилоят кўмитаси қошида ушбу комиссиялар ишини мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилди. Назорат фаолияти бошланиши натижа-сида одамларнинг ҳуқуқий онги ва фаолияти ўса бошлади. Ташкилотларда меҳнат му-

носабатлари билан боғлиқ муаммолар адолатли ҳал этилаётганилиги фикримизнинг яққол далилидир. Хар бир раҳбар ва ишчида қонунарга ҳурмат ҳисси шаклланапти.

Тиббиёт муассасаларида ишловчи ходимларга иш ҳақлари давлат томонидан молиялаштирилиши сабабли ойлик маошлари вақтида берилар эди. Лекин кейинги пайтларда баъзи бир банклар нақд пул йўқлигини бахона қилиб, иш ҳақлари ва бошқа тўловлар ойлаб берилмаётган ҳолатлар пайдо бўлди. Натижада жами иш ҳақидан қарздорлик 450 миллион сўмга етиб қолди. Тармоқ ходимлари касоба уюшма вилоят кўмитаси жамоатчилик назорати комиссияси томонидан шаҳар, туманлар банкларига талабномалар ва огоҳлантириш хатлари юборилди. Натижада ходимларга ойлик маош берилишида анча силжишга эришилди.

Ходимларга иш ҳақлари, на-

фақа ва бошқа имтиёзли тўловларни берилиши тегишли раҳбарлар билан пули нотўғри ҳисобланган ҳоллар аниқланди. Уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, пуллари қайтарилди.

Жамоатчилик назорати томонидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар, ногиронлик масалалари, меҳнат шароити яратилиши, ажратилган маблағ ва дори-дармонларнинг мақсадли ишлатилиши, фуқароларнинг хат ва аризалари бўйича олиб борилаятган ишлар назоратга олиб борилади. Шунини айтиш ўринлики, илгарилари хайр-эхсон йўли билан келтирилган дори-дармонлар беоморларга тўлиқ етиб бориши назоратга эътибор кам бўлар эди. Ҳозирда жамоатчилик назорати гуруҳлари ёрдамида дориларни фақат мақсадли ишлатилишига эришилмоқда. Жойларда ходимларга нисбатан меҳнат муносабатларини тартибга солишда қонунбузарлик ҳолатлари бузилганда ушбу гу-

Касоба уюшма ёрдами билан

руҳлар томонидан тегишли ёрдам берилди. Бунинг натижасида тармоқда тушган 80 та ариза ва озгак муурожаатномаларнинг 77 фоизи ижобий ҳал қилинди.

Марғилон шаҳри шифохона-

лари бўйича 5 нафар ходимнинг даромад солиғи кўп ушланганлиги аниқланиб, жами 21 минг 614 сўм маблағ эгаларига қайтарилди. Иш ҳақи, меҳнат тавтига ҳақ тўлаш тегишлилиги кам тўланган 80 минг 355 сўм ундириб берилди. 16 ёшгача ногирон боласи бор ишлаётган аёлларга белгиланган имтиёзлар ўрганиб, 4 нафар аёлнинг иш соатлари 35 соат қилиб белгиланди. 3 нафар 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг таътилига 3 кун қўшимча қўшиб берилмаганлиги аниқланди.

Мисол учун, Қувасой шаҳридаги Давлат санитар-эпидемиология назорат маркази ходи-

маси, 16 ёшгача ногирон боласи бор Г.Шокирова иш ҳақидан нотўғри ушланган 23 минг 673 сўм миқдордаги даромад солиғи қайтариб берилди. Риштон тумани Марказий шифохонаси тез тиббий ёрдам курсатиш бўлими фельдшер Зокиржон Маҳкамов бахтсиз ҳодиса натижасида II гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Унга амалдаги қонун-қоидаларга биноан бир йўла бир йиллик ўртача иш ҳақи миқдорда нафақа тўланган. Лекин меҳнат қобилиятининг 80 фоизга йўқотганлиги учун ҳар ой тоvon пули берилмаган. Касоба уюшмаларининг аралашуви натижасида бу масала ижобий ҳал этилди.

Бир сўз билан айтганда, тармоқ ходимлари жамоатчилик назоратини самарали эканлигига ишонч ҳосил қилишмоқда.

П. КОСИМОВА,
Фаргона вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кўмитаси раиси.



Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга кўп йиллар мобайнида Марказий кўмитада самарали фаолият кўрсатган меҳнат фахрийлари тақдир этилди. Кўпни кўрган кекса авлод вакиллари ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Учрашув сўнггида фахрийларга совға-саломлар топширилди.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда ОРОЛЬЎИДА ИСТЕЪДОД МАКТАБЛАРИ

Орольўида ўзининг бутун билими ва тажрибасини ёш авлод тарбияси йўлига бағишлаётган фидойи халқ таълими ходимлари кўп. Уларнинг муносиб шогирдлари Қорақалпоғистон шўхратини оламга ёймоқдалар.

Республика жанубида жойлашган Эллиққаъла туманида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ мактабларда таълим-тарбия самарадорлиги ошиб бормоқда.

Туманда 64 та умумтаълим, 6 та истеъдод билим масканлари, 13та мактаб боғча-мажмуи, 6 та мактабгача ва 4 та мактабдан ташқари муассасалар, шунингдек, «Тил маркази» фаолият кўрсатапти. Илм даргоҳларида 30 минг 426 нафар ўғил-қиз таълим оляпти. Тарбия масканларининг 73 тасида ўзбек, иккитасида қорақалпоқ, 4 тасида қозоқ, иккитасида туркман тилларида машғулотлар олиб борилапти.

Тумандаги 27-таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси Ойша Матниёзова «Илм ўқитувчиси» кўрик-танловида совринли ўринни эгаллади ва «Қорақалпоғистон республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Мустақил юрт келажак авлодини тарбиялашдек масъулият зиммамизга оқлатилган, дейди туман халқ таълими бўлими мудир Т.Матмуротов. — Ёшларнинг маънавиятли, юксак билимли бўлиши мураббий-устозларнинг ҳалол меҳнати ва ўқувчиларга илм-зиё ёғдуларини сингдири олишига боғлиқ.

Анъанага айланган фанлар олимпиадаларида эллиққаълалик ўқувчилардан 20 нафари Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимиз бўйича совринли ўринларни қўлга киритдилар. География фанидан Мунира Хайруллаева, ўзбек тили ва адабиётидан Хуршида Ибодуллоева, химиядан Руслан Ургенчаев каби ўқувчилар голибикни эгаллаб, олийгоҳларга тест имтиҳонларини қириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ўтган йили ўқишни тамомлаган 306 нафар ўқувчи олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талабалари бўлишди.

Тажриба тариқасида ташкил этилган истеъдод мактаблари ва мактаб-боғча мажмуалари ўқувчиларга чуқур билим бериш дарсхонасига айланди. Истеъдод мактабларида иқтидорли ўқувчилар тест синовлари орқали қабул қилиниб, она тили ва адабиёти, хорижий тиллар, математика, ЭҶМ, кимё, тарих ва география фанлари пухта ўргатилапти.

Болалар спортини ривожлантиришга жиддий аҳамият берилапти. Футбол, волейбол, миллий кураш, теннис, шохмот, шашка тўғрақларида 10 минг нафардан ортиқ ўқувчилар шугулланмоқда. 3-истеъдод мактаби ўқувчилари мамлакат миқёсида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида фаол иштирок этдилар.

Ўсимр болалар ва қизларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш маҳаллий ҳокимият, фуқаролар йиғинлари, тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборида турибди. 2002 йилнинг охирида Бўстон шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият комиссияси-ЮНЕСКО ҳамда Аҳолишунослик жамғармаси ЮНФПА томонидан уюштирилган семинар-кенгаш оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланди.

Шунга қарамаздан таълим тизимида ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Бундан 3-4 йил аввал қурилиши бошланган «Қилчиноқ», «Қирққизобод», «Сарабий» фуқаролар йиғинлари худудларидаги мактаблар бинолари хозирга қадар фойдаланишга топширилмаган. Илм масканлари учун 2500 та парта, 270 та стол, 570 та стул, 280 та доска, 275 та китоб жавони етишмайди. 48 та мактабда машғулотлар икки навбатда олиб борилапти.

И.ИСОМУДДИНОВ.

КЕЛАЖАҚДА ҚЎШМА КОРХОНА ҚУРАМИЗ

дейди республика кўзи оғизлар жамияти Фарғона ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси директори Абдурахим Қўлдошев

Махшур ёзувчи Эрнест Хемингуэй кўп йиллик ҳаётий кузатишларига асосланиб «Инсонни енгиб бўлмайд» деган фикрга келган экан. Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган Республика кўзи оғизлар жамиятига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан танишиб, буюк ёзувчининг ушбу фикри нақадар ҳақ эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Корхона 1963 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаяпти. Шундан бунён кўзи оғизларнинг ҳақиқий суянчиғига айланган. Йиллар давомида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва махсулотлари тури кўпайиб борди. Ташкил этилган дастлабки пайтларда бу ерда фақат шолча, поёндоз тўқш йўлга қўйилган бўлса, ҳозир пахта тани саралаш, ишчи қўлқоплари, кўрпачалар ишлаб чиқаришда.

Истиқлол берган имкон

қарилмоқда. Бу ерда Фарғона шаҳри ва атроф туманлардан келган 84 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилишяпти. Улардан 49 нафарини 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, 17 нафарини аёллар ташкил этади. Келаси йили ўзининг 40 йиллик тўйини нишонлайдиган ушбу маскан фаолиятида барча жойда бўлгани каби ўзига хос инкироз ва юксалиш даври бўлган. Айни пайтда корхона бозор иқтисодиётига мос равишда ишлаб чиқариш цехлари, махсулотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу фикримизни бошқача ифодаласак, корхона юксалиш бўсағасида турибди. Бизга айтишларича, келажакда ушбу жамоа негизда қўшма корхона қуриш режаси бор экан. Бу қувончи ва ижобий ишлар бошида калби уйғоқ, тиниб-тинчимас раҳбар Абдурахим ака Қўлдошев турибди.

— Муҳолағасиз айтишим мумкинки, дейди корхона касба уюшма кўмитаси раиси Расимжон Зарипов, биз раҳбарга ёлчганимиз. У кишидаги ҳаракатчанлик, эртанги кунга бўлган ишонч ва умид туйғулари барчамизни илҳомлантиради. Жамоа шартномалари талабларининг бажарилиши борасида ҳам кўп ишлар қилинди.

Ушбу йилнинг ўтган 11 ойи давомида корхонада режадаги 22 миллион 80 минг сўмлик ўрнига 22 миллион 800 минг сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам маъмурият ва касба уюшма ҳамкорлиқда ибратли ишларни амалга оширишди. Бу йил 2 нафар ходим Чимён сийҳатгоҳида дам олиб келди. «Арсиф» дам олиш уйига бутун жамоа бўлиб бир кунлик саяжат уюштирилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан корхона фахрийларида алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Улар учун байрамларда тўқин дастурхон ёзилди. Совға-саломлар тортиқ қилинди.

Тилга олинган ютуқлар билан бирга корхонанинг муаммолари ҳам йўқ эмас. Гоҳида ишлаб чиқарилган махсулотларга харидор топши кийин бўлмоқда. Бу нарса корхонанинг янада ривожланишига имкон бермапти. Янги иш ўринлари яратиш имконияти ҳам чегараланиб қоляпти. Корхона тасарруфидаги ишчи-хизматчилар яшайдиган кўп қаватли уйда 3 йилдан бери иситиш тармоғи ишламайди. Ишчилар ётоқхонаси томи шифер қилинмаганиги сабабли чакка ўтади.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича ушбу муаммолар тез орада барҳам топишига умид бор. Чунки бу борада Фарғона шаҳар ҳокимлиги ёрдам беришга ваъда берган. Ишчилар яшайдиган уйнинг иситиш тармоғини тиклаш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

Мўйдинжон СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичи яқунлиб, иккинчи босқичи вазибаларини амалга ошириш давом этмоқда. Дастур асосида олиб борилаётган ишлар юқори даражадаги умумий касбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга эга бўлган, жаҳон андозлари талабига мос фаолият юрита оладиган баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган.

— Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқларда замонавий ўқув ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган, 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей, 291 та касб хунар-коллежи барпо этилди, — дея таъкидланди Ўзбекистон таълими ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитасининг В.Пленумида. — Мавжуд 860 та ўрта махсус ва касб-хунар билим юр்தларида талабаларга 12 минг нафардан зиёд фан доктори, 570 нафардан зиёд фан номзодлари билим бермоқда. Тармоқ касба уюшмалари педагоглар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ўқувчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояга олган.

Таъкидлаш жоизки, «Таълим тўғрисидаги қонун»да касба уюшмалари эътибор қаратишлари лозим бўлган муҳим вазибалар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг 21-моддасида ўқув муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгилашнинг, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътил ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа имтиёзлар берилиши қайд этилган. Кўриниб турибдики, республикамизда таълимни тубдан ислоҳ этиш вазибалари соҳа вакилларининг ижтимоий-иқтисодий қаролларини таъминлаш билан уйғунлиқда олиб боришмоқда. Бу жараён тармоқ касба уюшма ташкилотлари фаолиятининг негизи бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш юритиш, тармоқ келишувлари ва жамоа

шартномаларининг янги йўналишларини жорий этиш, ижтимоий қаролларни таъминлаш каби долзарб вазибаларни қамраб олади.

Дарҳақиқат, тармоқ касба уюшма кўмиталари томонидан жойларда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг «Қарияларни кадрлаш йили» деб ном-

ИСЛОҲОТЛАР баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади



ланганлиги боис тармоқ ходимларининг бу таркибига алоҳида моддий-маънавий рағбатлантириш, соғломлаштириш бўйича имтиёзлар яратилди. Нафақа-чиққан ходимлар учун 21 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Байрамларда сарфланган маблағлар 52 миллион сўмга яқини ташкил этди. Ишлаётган пенсияерларга эса 129 миллион 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Таъкидлаш ўринлики, касба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлик, меҳнат шароитларининг мувофиқ-

лигини таъминлашни назорат этишдир. Вилоят ва куйи касба уюшма ташкилотлари томонидан соҳа ходимларига иш ҳақининг ўз вақтида тўлаши доимий назорат остига олиниб, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Аммо, гуруҳ курмаксий бўлмаганидек, айрим жойларда тармоқ ходимларига иш ҳақи ва таътил пулларининг ўз вақтида берилмаётган ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида тўпланиб қолган муаммо-

Жараён

нафар, санаторий-профилакторийларда эса 47 минг 559 нафар соҳа ходимлари саломатликларини тикладилар. Болалар оромгоҳларида 146 минг 788 нафар ўқувчи дам олдирли.

Маънавий-маданий йўналишда ҳам ўқув муассасалари жамоалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кўмиталари, ички ишлар бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Жойларда тармоқ касба уюшмалари ташаббуси билан турли мавзудаги давра суҳбатлари, эл ҳурматига сазовор инсонлар билан учрашувлар, мунозара ва кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келиняпти.

Пленумда мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Косон туман таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси раиси М.Мўминов, Наманган Давлат Университети талабалар касба уюшма кўмитаси раиси Ж.Бегматов ва бошқалар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси борасида олиб борилаётган ишлар билан ўртоқлашди. Шунингдек, Пленум ишида кун тартибидеги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, тармоқ ходимлари касба уюшма Марказий кўмитасининг таълим ходимлари касба уюшмаси Халқаро ташкилоти — Education International билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтиб бораётганлиги алоҳида таъкидланиб, мазкур нуфузли халқаро ташкилотга тармоқ касба уюшма Марказий кўмитасининг аъзо бўлиб кириши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Ахлиддинов иштирок этди.

Муҳаббат ўРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби.

САВДО ЯРМАРКАСИ

Кейинги йилларда пойтахтимизда вилоятлар соҳибдор-деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик савдо ярмаркаларини ўтказиш аънавага айланиб бормоқда. Шу кунларда янги йил байрами олдиндан шаҳарнинг 11 та тумани гавжум савдо марказларида ана шундай ярмаркалар ташкил этилди. Айни кунларда Фарҳод бозорида ҳам сурхондарёлик миришқорлар томонидан етиштирилган қўллаб турдаги сабзавот ва полиз махсулотлари аҳолига бозордан арзон нархларда сотилмоқда. Ярмаркада қишлоқ хўжалик махсулотларидан ташқари, гушт, асал, консерва ҳамда дуқакли экан махсулотлари харидорлар эътиборига ҳавола этилаёттир. Икки ҳафта давом этадиган савдо ярмаркасида Сурхон воҳасидан жами 294 тонна махсулот келтирилиши мўлжалланган бўлиб, шу кунгача 228 тоннаси аҳоли томонидан харид қилинди.

Маълумки, байрам арафасида аҳолининг барча махсулотларга эҳтиёжи ортади. Натижанда бозордаги нархлар кўтарилиб кетади. Шу жиҳатдан олганда пойтахтда савдо ярмаркалари ташкил этилгани алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ.

Тахририятимизга Тошкент вилояти Зангиота тумани Назарбек қишлоғи «Алоқа» маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан шикоят хати келди. Унда қуйидагилар баён этилган:

«Алоқа» маҳалласининг Х.Абдуллаев, С.Раҳимов ва А.Қодирий номидаги кўчаларида 3 йилдирки қиш мавсумида газ таъминотида бир қанча муаммолар вужудга келмоқда. Шу йилнинг 14 ноябрдан босим паясаяиб, шу кунларда газ умуман тўхтаб қолди. Совуқ кунларда анча қийналиб қолдик. Хонадонлардаги ёш болалар ҳамда қарияларга айниқса қийин бўляпти.

Бир неча бор туман ҳокимлиги, газ таъминотидан идораси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларга мурожаат этишимиз бефойда кетди. Улар ваъдадан бошқа жўяли фикр билдиришмаяпти.

Вилоят «Газтаъминот» шўъба корхонаси раҳбари Олимжон Саидовга ҳам шикоят билан мурожаат этдик. У киши нуқул бизларга «Берилаётган газ босими меъёри етарли», деб жавоб қайтаради. Қизиқ, таъминотда

қачон ўзгариш бўлади? Қачонгача аҳоли иссиқхоналар ва газ ўғирларининг касрига қолишадими?

Хайрулла ИМОМАЛИЕВ: — Маҳаллада бир неча йилдан бунён истиқомат қиламан. Газ киш ойларида биз учун энг катта муаммага айланади. Шу боис невараларим тез-тез шамоллаб қолишмоқда... Нахотки, мутасаддилар бу аҳволдан бе-хабар бўлишса...

Шахло ЮСУПОВА: — Хонадонимизда 11 киши истиқомат қилади. Газ ана келар, мана келар, деб кун санаймиз, мажбурликдан чойни электрда қайнатиб, иссиқ овқатни ўтинда тайёрлашга тўғри келмоқ-

дор. Чунки аҳоли қунора уларга мурожаат этади. Аммо аҳвол ўнганмаяпти. Бунинг сабаблари нимада?

— Совуқ об-ҳаво шароитида табиий газ етказиб бериш бораси-

388 тани ташкил этди. Улардан жами 26 миллион 942 минг сўмдан зиёд жарима ундирилди.

Албатта, хонадонларга табиий газнинг етиб боришида кўпгина муаммолар мавжуд. «Газтаъминот» ҳамда «Газтеххизмат» идоралари мутасаддилари қанчалар ҳаракат қилишмасин, аҳоли учун ажратилган фойдаланаётган иссиқхоналар яхши ниятни пучга чиқармоқда. Тадбиркорлар учун вилоят ҳокимлиги ҳамда «Газтаъминот» шўъба корхонаси томонидан лимит ажратиш борасида саъй-ҳаракатлар бошланган. Лекин бу иш негадир охирига етказилмади.

Туман «Газтаъминот» идораси раҳбарияти-

нинг фикрича, қатор муаммолар сабабли аҳолига газ етказиб бериш хозирги кунда 35 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳақ тармоқнинг юқори бўғинларида жойлашган маҳаллаларга тўғри ке-

лади. Куйи бўғинларга газ умуман етиб келмаяпти.

— Тошкент вилоятидаги 80 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлиб, мавжуд хонадонларнинг 8 фоизиди ҳисобга олиш мосламалари урнатилган, — дейди вилоят «Газтаъминот» шўъба корхонаси раҳбари Олимжон Саидов. — Айни кунларда Зангиота, Оҳангарон, Пскент, Бўка, Тошкент, Чиноз, Қибрай ҳамда Янгийўл туманларида газ таъминотидаги узилишлар яққол кўзга таш-

Бир хат изидан

ланмоқда. Аҳоли хонадонларининг кўпчилигида газни хисобга олиш мосламалари ўрнатилмаган. Табиий газ тўловларидан қарздорлар ҳам анчагина. Бундан ташқари, Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай каби туманларда катта-катта иссиқхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги аҳоли лимити ҳисобидаги газдан фойдаланиб келишмоқда. Бу табиийки «зангори олов» хонадонларга тўлиқ етиб боришига имкон бермаяпти.

Истеъмолчи манфаати муқаддас. Мутасаддилар хар йилгидек убуни баҳона қилмай, Назарбек қишлоғидаги «Алоқа» маҳалласи аҳолисини газ билан тўла таъминлаш чораларини кўришлари лозим. Шубҳасиз, «зангори олов»дан ноқонуний фойдаланаётган, унинг ҳақини тўлашни «унуқтаётган» кимсаларга қарши қатъий курашмоқ даркор.

Хикматулла КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири.

ГАЗ НЕГА ТАҚЧИЛ?

унинг сабаблари ва сабоқлари

Ўзбекистон касабачулар уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан
меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини
ва барча фуқароларни яқинлашиб
келаётган, Янги – 2003 йил билан
самимий муборакбод этади!

Жондан азиз Ватанимиз – хур

Ўзбекистон гуллаб-яшнайверсин!

**Эзгу мақсад йўлидаги
саъй-ҳаракатларингиз
ҳамиша бароридан келсин.
Замонавий, барча
шароитларга эга бўлган
шифо масканларимиз
йилнинг тўрт фаслида
Сизга мунтазир!**

ЎЗБЕКИСТОН САНАТОРИЙЛАРИ ЧОРЛАЙДИ



«ТУРОН». Юрак-қон-томир, асаб тизими, гинекологик касалликларни даволашга ихтисослашган.

«ЧИНОБОД». Овқат ҳазм қилиш, гинекологик, қандли диабет касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан юқори бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.



«БОТАНИКА». Овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб тизими касалликларини даволашга мўлжалланган. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан даволаниши мумкин.

«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА». Буйрак касалликлари (ёз фаслида), овқат ҳазм қилиш, асаб ва таянч-ҳаракат тизими учун фоятда фойдали.



«ЧОРТОҚ». Таянч-ҳаракат тизими, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, тери ва гинекологик касалликлари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиб, кўнгилли дам олиши учун шароит яратилган.

«БЎСТОН». Юрак-қон-томир, асаб, урологик касалликларга чалинганларга тавсия этилади.

«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликларига мўлжалланган.

«АБУ АЛИ ИБН СИНО». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари муолажа қилинади.

«УМИД ГУЛШАНИ». Гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлиқ билан оғриган кишилар даволанади.

«НИҲОЛ». Овқат ҳазм қилиш аъзолари, суяк-мушак, асаб тизими учун фоят фойдали.

«МАРҲАМАТ». Юрак-қон-томир, асаб тизими ва сурункали тери касалликлари даволанади.

«КОСОНСОЙ». Суяк-мушак, асаб тизими ва юрак-қон-томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш аъзолари даволанади. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир боласи билан келиши мумкин.

«ГУЛПАРШИН». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлари жуда яхши даволанади.

«ОҚТОШ». Нафас олиш аъзоларининг сил дардига алоқадор бўлмаган касалликларига тавсия этилади.

«СЎҚОҚ» оилавий пансионати.

«МИРОҚИ». Асаб тизими ва юрак, қон айланиши аъзолари касалликларига жуда нафи тегади.

«ХОНДИЗА» дам олиш уйи.

«ХОНҚА». Юрак-қон-томир, таянч-ҳаракат, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликларига мўлжалланган.

«ЗОМИН». Нафас олиш аъзоларининг сил дардига алоқадор бўлмаган касалликлари билан оғриган кишилар даволанади.



TV 30 декабр - 5 январ

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома» 8.40 ТВ маркет. 8.45 «Заминдаги буюк томошалар»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 Курсатувлар тартиби. 17.05 «Эрталарнинг сеҳрли олами»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30-9.00 «Хайрли тонг». 9.00 Курсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика»...

фабрикаси». Постскрипум. 24.00 «Ахборот» (рус тилида)...

СЕШАНБА, 31

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 8.30 «Янги авлод» студияси...

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ

17.00 Курсатувлар тартиби. 17.05 «Эрталарнинг сеҳрли олами»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30-9.00 «Хайрли тонг». 9.00 Курсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика»...

ЧОРШАНБА, 1

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет.

18.35 ТВ клип. 18.45 «Сарҳисоб». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.50 Янги йилнингиз кутлуг бўлсин! 7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

11.30 Давр. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Саломатлик сирлари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Хайрли тонг». 10.00 «Кумуш туюкча»...

ПАЙШАНБА, 2

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет.

«Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Мактублар - кабултарлар»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.50 Янги йилнингиз кутлуг бўлсин! 7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

11.30 Давр. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Саломатлик сирлари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Хайрли тонг». 10.00 «Кумуш туюкча»...

ЖУМА, 3

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет.

ёшлари». 10.45 «Кавингтон Кросс». 10.45 «Кавингтон Кросс».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.50 Янги йилнингиз кутлуг бўлсин! 7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

11.30 Давр. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Саломатлик сирлари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Хайрли тонг». 10.00 «Кумуш туюкча»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30-9.00 «Хайрли тонг». 9.00 Курсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика»...

21.25 «Бизнес-ревью». 21.30 Кинематограф.

ШАНБА, 4

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 8.30 «Янги авлод» студияси...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

11.30 Давр. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Саломатлик сирлари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Хайрли тонг». 10.00 «Кумуш туюкча»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30-9.00 «Хайрли тонг». 9.00 Курсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика»...

23.15 «Муз zone». 23.30 «Австрада».

ЯКШАНБА, 5

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Ахборот». 8.40 «Камалак».

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Курсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 8.30 «Янги авлод» студияси...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

11.30 Давр. 12.05 Мусикий лаҳзалар. 12.15 Саломатлик сирлари.

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Курсатувлар тартиби. 17.20 «Болажонлар экрани»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

8.00 «Хайрли тонг». 10.00 «Кумуш туюкча»...

ЎШЛАР ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30-9.00 «Хайрли тонг». 9.00 Курсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусика»...



Республика телевидениесининг «Тошкент» студияси ижодкорлари томонидан тайёрланган байрам дастури «Янги йилни севаман» дея номланди. Уйлаймизки, ушбу байрам-шоу дастури янги йил окшомида ТТВ дастури мухлисларини беҳад шод этади.

Байрам дастури ижодкорлари сценарий муаллифи Эльвира Тухватуллина ва сахналаштирувчи

режиссёр Жаҳонгир Қосимовлар, шуниндек студиянинг барча ижодий-техник ходимлари телетомошбинларнинг хуш кайфиятда янги йилни кутиб олишлари учун бор имкониятларини ишга солишган.

Шоу томошаларга мамлакатимизнинг энг таниқли эстрада, кино ва театр артистларидан иборат юлдузлар жамоаси таклиф этилган.

Бундан ташқари, «Тошкент» сту-

дияси ижодкорлари томонидан янги йил байрамига бағишланган турфа хил байрам дастурлари тайёрланганки, улар ўз мухлисларида катта таассурот қолдириши шубҳасиз.

Суратларда: байрам-шоу дастуридан лавҳалар.

А.РИСКИЕВ
(ЎзА) олган суратлар.

Сарҳисоб

АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА

Пойтахт вилояти касаба уюшмалари Кенгаши томонидан йил давомида бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгуси йил режа-вазифаларини белгилаш яхши аъёнага айланган. Тошкент давлат аграр университети дам олиш масканда вилоят, туман ҳамда шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари раҳбарлари, тизимдаги БУСМлар директорлари, ушбу йилнинг иштирокида ўқув-семинар йиғини бўлиб ўтди.

Йилгиланлар асосан вилоятда оммавий спортни ривожлантириш, айниқса, болалар спортини куйи меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқ жойларида жонлантириш, спорт иншоотларини ҳозирги замон талабларига мос равишда таъмирлаб, ёшларни жалб этиш муаммолари тўғрисида баҳс-мунозара олиб бордилар.

Вилоят касаба уюшма Кенгаши ҳамда жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси Муҳайё Тўлағанова ўз маърузасида тadbир қатнашчилари эътиборини Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини ривожлантириш жағфармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига қаратди:

– Вилоятда ҳозирги кунда 17 та БУСМ бўлиб, уларда 4689 нафар бола спортнинг 23 тури билан шуғулланмоқда. Айниқса, кураш, турон, тазвандо, бокс ва футбол ёшларни кўпроқ ўзига жалб этапти. Чекка қишлоқларида ҳам турли спорт бўлимлари очилмоқда. Жумладан, Паркент туманининг Сўжқ, Бойқозон, Хисарак, Заркент, Бўстонликнинг Абай, Чорбоғ, Тошкент туманининг Хасанбой, Қизғалдоқ, Кўктерак қишлоқларида қишлоқ спорт мактабларининг бўлимлари фаолият олиб бораёпти. Шу йилнинг ўзида 30 нафардан ошми спортчиларимиз халқаро турнирларда муваффақиятли катнашди. Хусусан, Осиё ўйинларида биттадан олтин ва бронза медаллари қўлга киритилди. Шу билан бирга, ҳозирги замон талабларидан келиб чиқса, бу борада хали кўп ишларни амалга оширишимиз лозимлиги ойдинлашди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда вилоятнинг барча жойларида ҳам ишлар кўнгилдагидек олиб борилаёпти, деб бўлмади. Тўғри, Олмаликдаги «Металлургия», Чирчиқдаги «Кимёгар», «Олмос» ҳамда Бекободдаги «Металлургия» спорт клубларидаги шароитлардан қайсибир даражада қониқарли ҳосил қилиш мумкин. Лекин Қириқдаги 1-БУСМ, Бекобод шаҳридаги «Ёшлик», Чиноз туманидаги «Пахлавон» спорт иншоотлари кўп йиллардан буён таъмирланмаган.

Туман, шаҳар тармоқ касаба уюшмалари, бошланғич касабакўмлар меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий тарзда спортга жалб этишда «Маҳалла» оқсоқоллар кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» кенгашлари билан ҳамкорликда ёшларни спорт тўғрисидаги бахслари бўлиб ўтди. Қириқдаги 1-БУСМ, Бекобод шаҳридаги «Ёшлик», Чиноз туманидаги «Пахлавон» спорт иншоотлари кўп йиллардан буён таъмирланмаган.

Хуллас, тadbир фойдалан ҳоли бўлмади. Иштирокчилар икки кун давомида ҳукуматимизнинг спортни ривожлантиришга оид қарорларини амалга тadbир қилиш борадида жойларда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, тажриба алмашди. Хусусан, яқинда таъмирдан чиқарилган Аграр университети спорт иншоотларини кўздан кечиришди. Семанар иштирокчиларида бу ерда олиб борилаётган ишлар, айниқса, олийгоҳда очилган спорт музейи катта таассурот қолдирди.

Саидориқ ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари ЖТСЖ бўлими мудири.

Истеъдод

Айтадиларки, қайсики она фарзандига пурмаъно алла айтса, у албатта ақли расо, эл-юрти учун фидойи, халқига, ота-онасига олқиш олиб келади. Инсон бўлиб вояга етади. Онанинг нияти холис экан. – Секин-аста атак-чечак қила бошлаганидаёқ сезгандик буни. Ишонсангиз ўйнашга қизиқ-

МЕН ҲАМ БОБОМДЕК БЎЛАМАН

қаниданми, эмаклар мусика асбоблари турадиган хонага кириб қолганини билмади колардик, - дея эслайдиларки Шохрухбекнинг онаси.

Эндигина беш ёшга қадам қўйган бу жажжи қахрамонимиз доираю ноғорада куй чалганида беихтиёр «отанга балли, ўғлон» деб юборганингизни ўзингиз сезмай қоласиз. Шубҳасиз, санъатга бўлган қизиқиш унга сут билан кирган, десак янглишмаймиз. Сабаби аниқ: бобоси неча йиллардан буён халққа беминнат хизмат қилиб келаётган, эл суйган санъаткор Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ар-

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МЕН ҲАМ БОБОМДЕК БЎЛАМАН

тист Ўқтам Аҳмедов, Шохрухбекнинг отаси эса катта сахна сари дадил қадам ташлаётган моҳир доирачи Аълобек Аҳмедовдир. Бобосининг ширали овозию созини халқимиз ҳалигача соғиниб, мароқ билан тинглашади. Унинг «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам», «Бир гап бўлар» каби кўшиқларини тоҳануз хиргойи қилиб юришади. Ўз кўшиқлари билан дилларни мафтун этиб келаётган санъаткор бугун нафақат ўғли Аълобекни балки невараси Шохрухбекни ҳам фахр билан сахнага олиб чиқмоқда. Ўзининг санъатидан-да кўпроқ неварасининг ноғора ва доирани маҳорат билан гоҳ кўтариб, гоҳ устига

чиқиб олиб гумбурлатиб чалаётганини кўриб завқланган томошабинлар уни гулдурос қарсақлар билан олқишлаётганини кўрганида, табиийки, кўзларида қувонч ёшлари айланади.

«От изини той босар» деганлари шу бўлса керак-да. Шохрухбек ҳам чуқук тиллари билан ширингина қилиб «мен ҳам бобомдек бўламан» деб қўяди. Буни эшитиб, қалбга гурур ва ифтихор тўлади беихтиёр. Фахрланмай бўлар эканми, ахир бундай болажонлар халқимиз, қолаверса, санъатимизнинг давомчилари-ку!

Роза САЙДАХМЕДОВА.

ҲИКМАТ

Дунёдаги барча неъматлардан фақат яхши ном қолади, ҳатто шуни ҳам қолдирилмаган одам бахтсиздир.

САЪДИЙ

Турфа олам

Жаҳон кўчаси мулк савдоси тарихида илк бор шаҳарча савдога қўйилди. АКШнинг Калифорния штати савдоси вакили Крис Донли эса ўз хайратини яширмаяпти. Шу пайтга қадар уйлар, бинолар ва ҳатто

ШАҲАРЧАГА ХАРИДОР БОРМИ?

тида жойлашган Брижвил шаҳарчаси интернет ким-ошиди савдосига киритилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, тарихда хали бундай савдо кузатилган эмас. 1791801094 рақами билан қайд этилган шаҳарча бутунлай сотилмади. Худуднинг 82 гектари хусусий шахс қўлига ўтиши мумкин. Унда боғлардан ташқари, ўнта уй ва тўртта чайла ва почта бор.

Афсуски, уйларнинг аҳоли биров хароброк. Шу сабабли харидорлар шаҳарчани сотиб олишдан чўчиб турибди. Унта уйни таъмирдан чиқариш катта маблағни талаб қилади. Интернет-килоди савдосидан эгаси 775

миг долларлик даромад кутмоқда. Мутахассисларнинг фикрига қўра, Брижвилдаги кўприкларнинг сотилганига гувоҳ бўлганман, лекин шаҳарнинг сотилишига биринчи бор дуч келишим, деди у.

Кимосиди савдоси 27 декабр кунини бўлиб ўтиши керак. Бироқ ҳозирча, харидорлар таклиф қилаётган нарх сотувчинини қаноатлантирмапти.

Ушбу савдо ҳақидаги эълон 27 ноябрь кунини берилган эди. Шундан буён фақат биргина харидор худуд учун 522 миғ доллар таклиф қилди. Брижвил эгаси шаҳарчани қанчага сотмоқчилиги маълум қилинмас-да, Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлигининг айтишича, шаҳарча савдосидан эгаси 775

миг долларлик даромад кутмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига қўра, Брижвилдаги

уйларни эпақага келтириб, шаҳарчада хусусий дам олиш маскани очилиши мумкин. Шунингдек, бу ерда кичик саноат корхонасини барпо қилса ҳам бўлади.

1871 йилда ташкил топган Брижвил юз йилдан зиёд вақт давомида жисмоний шахслар қўлида. 1909 йилда Генри Кокс исмли амалдор уни харид қилган ва шаҳарча 1972 йилгача унинг авлодлари қўлида бўлган. Ўттиз йил аввал Г.Кокснинг набиралари Брижвилни Лапл оиласига сотиб юборди. Мана энди Лапл оиласи вакиллари ҳам шаҳарчага харидор кутмоқда.


(ЎзА).

КРОСССВОРД

ЭНИГА: 7.Олий табақа футбол командаси. 8.Мусобақанинг хал қилувчи босқичи. 9.Кўшиқ тури. 10.Автомобил маркаси. 11.Шухратнинг «Олтин зангламас» романи қахрамони. 12.Мукамал луғат нашри. 19.Хорижий пул бирлиги. 20.Бинонинг кўркам қисми. 21.Сув манбаи. 22.Палакли экин майдони. 23.Жиззах вилоятидаги тоғ-ўрмон кўриқхонаси. 24.Эрта тонг. 31.Турбинанинг айланувчи қисми. 32.Асосан Европада яшовчи миллат. 33.Х.Тўхтабевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи қахрамони. 34.Ой кўриниши. 35.Балиқ тури. 36.Нефт маҳсулоти.

БҮЙИГА: 1.От туси. 2.Қуёш ботишидан ҳосил бўладиган қизиллик. 3.Асқад Мухтор романи. 4.Нон тури. 5.Қуш аъзоси. 6.Ҳинд киноси санъаткори. 13.Ўзбекистон жанубидаги туман. 14.Маҳсулот ишлаб чиқариш нусхаси. 15.Савдо йўлларидаги мустақамланган манзил. 16.Эрон қомусий олими, табиби ва файласуфи. 17.Маъмурий-худудий бўлима. 18.Торли, миллий мусика асбоби. 25.Миллий таом. 26.Радио изтирочиси. 27.Тўлик, бекамуқўст. 28.Отлар подаси. 29.Болтиқбўйи худудидан оқиб ўтувчи дарё. 30.Савдо маскани.

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ



ГАЗЕТАНИНГ 200-СОНИДАГИ КРОСССВОРД ЖАВОБЛАРИ

АЙЛАНМА КРОСССВОРД

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1.Қомус. 2.Қумуш. 3.Тулпор. 4.Пештоқ. 5.Термиз. 6.Тициан. 7.Тирана. 8.Тарлон. 9.Таррак. 10.Тарози. 11.Доллар. 12.Заргар. 13.Марказ. 14.Теннис. 15.Тонна. 16.Токио. 17.Лимит. 18.Нишона. 19.Мадина. 20.Масала. 21.Таҳлил. 22.Теллур. 23. Табақа. 24.Талаба. 25.Тортиқ. 26. Тўқмоқ. 27.Тарона. 28.Табшиҳ. 29.Танбур. 30.Турон.

ДИАГОНАЛ КРОСССВОРД

ЎНГА: 31.Кино. 33.Дала. 37.Трап. 40.Ахил. 42.Араб. 43.Азон. 44.Анод. 45.Жияк.
ЧАҒГА: 32.Дина. 34.Лола.
ДИАГОНАЛ БҮЙИЧА ВА БҮЙИГА: 33.Дўст. 34.Лаъл. 35.Лава. 36.Лавҳ.
БҮЙИГА: 38.Рўза. 39.Панж. 40.Абак. 41.Ижод.

ЧАЙНВОРД

46.Мум. 47.Меш. 48.Шош. 49.Шоҳ. 50.Хут. 51.Тўп. 52.Пуд. 53.Дид. 54.Дуб. 55.Боб. 56.Бог. 57.Фоз. 58.Зал. 59.Лад. 60.Дур. 61.Рим. 62.Мис. 63.Сон. 64.Нон. 65.Нун. 66.Нав. 67.Ван. 68.Нов. 69.Ваг. 70.Гап. 71.Пат. 72.Тут. 73.Туз. 74.Зол. 75.Лит. 76.Туя. 77.Ява. 78.Арк. 79.Кўк. 80.Кох. 81.Хум.

ШАҲРИСАБЗЛИКЛАР ГОЛИБ

Қарши шаҳридаги «Насас» ўйингоҳида Қашқадарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кўмитасининг спартакиада бахслари бўлиб ўтди. Қарияларни қадрлаш йилгига бағишланган мусобақада тармоқ ходимлари шохмот, шашка ва стол тенниси бўйича ўзаро куч синашди.

Ғоят кўтаринки руҳда ўтган беллашуварда Шаҳрисабз тумани вакиллари уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

– Спартакиада янги йил арафасида ўтказилганиги, айниқса қувончли бўлди, – дейди тармоқ ходимлари касабаси уюшма вилоят кўмитаси раиси Баҳром Ҳикматов. – Голиб ва совриндорларга топширилган эсдалик совғалари ўзига хос байрам тўғриси бўлди.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

«МАТУ» хусусий фирмасига статистика бошқармаси томонидан берилган №68 КОД йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.20

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма тэрбқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.